



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “ 16 ” yanvar

К-40 -son

Termiz sh.

**Денов тумани А.Каримов массиви худудидан**  
**“SUBXON ULUG’BEK SHAROFIDDINOV”**  
**хусусий корхонасига ер майдони ажратиш**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 16 январдаги 02-02/23-сон йиғилиш баёни ҳамда Денов туман ҳокимининг 2019 йил 30 декабрдаги 01-36/1031-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Денов тумани А.Каримов массиви худудидан “SUBXON ULUG’BEK SHAROFIDDINOV” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 46-дала контуридаги 3,0 гектар яйлов ер майдони “Мева-сабзаёт маҳсулотларини қуритиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш цеҳи ҳамда уларни сақлаш мақсадида совутгич (холодилник) омборхонаси” қурилиши учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “SUBXON ULUG’BEK SHAROFIDDINOV” хусусий корхонаси Денов тумани А.Каримов массиви худудидан “Мева-сабзаёт маҳсулотларини қуритиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш цеҳи ҳамда уларни сақлаш мақсадида совутгич (холодилник) омборхонаси” қурилиши учун ажратилаётган 3,0 гектар яйлов ер майдони учун 53 399 520 (эллик уч миллион уч юз тўқсон тўққиз минг беш юз йигирма) сўм, Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га, беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратиб берилган

ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов